



## ИНГЛИЗ ТИЛИДА “ЕҒЕ-КЎЗ” СЕМАСИГА ЭҒА БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шокиров Шерали,*

*Андижон давлат университети тадқиқотчиси*

**Калит сўзлар:** *концепт, инструмент (восита), эстетик, маркер, метафорик моделлар, метонимик моделлар.*

Маълумки, дунёни билиш жараёнида тафаккур тизими билан тил тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо этадиган ҳодисалар сифатида юзага чиқади. Таникли рус тилшуноси С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларини такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади” [2: 471].

Атроф-муҳитдаги реал дунёни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни таниш (тушуниш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиши жараёнида концептларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

Ҳозирги тилшуносликнинг предмети, мақсади, изланиш методлари ва уларнинг йўналишларини англатувчи асосий координатлари кесишадиган марказ – инсондир. Бунда ҳар қандай лисоний характердаги тадқиқот “инсон омили” тамойили асосида амалга оширилади. Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропонимик йўналишда амалга ошади. Бунда асосий ролни “соматизм”лар – инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этадилар.

Сезги органлари ичида кўз энг муҳим вазифа – кўриш вазифасини бажаради. У инсонга атроф-муҳитни

кўриш, ташки оламини туйиш ва унда ўз ўрнини топиб юриш имконини беради. Бундан ташқари, кўз жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва ўз ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган инсон танасининг ташқи аъзоси сифатида тасаввур ҳосил қилади.

Инглиз тилидаги “Eyes” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз:

- “eye - an organ of sight in human or other animals” (*инсон ва ҳайвонларга берилган кўриш органи*) [4: 506];
- “the organ of sight; in vertebrate, one of a pair of spherical bodies contained in an orbit of the skull, along with its associated structures” (*умуртқали жониворлардаги кўриш органи - махсус компонентлари билан бирга бош суягидаги махсус уяларга жойлаштирилган соққа шаклидаги жуфт аъзо*). [6: 238].

Берилган таърифларга кўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини кўшиш мумкин [5]:

- b. The external, visible portion of this organ together with its associated structures, especially the eyelids, eyelashes, and eyebrows (*Қош, қовоқ, киприк каби зарур элементлар қўришдаги кўриниб турадиган ташқи орган*);

- c. The pigmented iris of this organ (*Ушбу органнинг рангдор думалоқ қисми (кўз қорачиги)*).

Бундан ташқари, кўзни шаклига кўра кенг ёки қисқ тарзда таърифлаш мумкин. Бу эса инсон сезгисининг қоришиқ характерда эканидан далолат беради.

Юқорида зикр этилган таърифларнинг биринчисида кўзни умуртқали жониворларнинг кўриш органи



сифатида характерлайди. Иккинчи таърифда эса кўз олмаси (соққаси)га қош, ковок, киприк каби ёрдамчи компонентларни ҳам кўшаяпти, учинчисида эса кўзнинг рангдор пардасига урғу берилаяпти.

Кўпинча сўзловчининг диққат марказида кўзнинг ташки кўриниши туради:

• кўз ранги (*black-eyed, blue-eyed, brown-eyed, grey-eyed, hazel-eyed, amber eyes, green eyes; eyes as black as coals, eyes of a faded china blue*): “*And her eyes . . . Richard realized that he could not tell what color her eyes were. They were not blue, or green, or brown, or gray; they reminded him of fire opals: there were burning greens and blues, and even reds and yellows that vanished and glinted as she moved*” [10].

• товланиши (*bright-eyed; brilliant eyes, shining eyes, sparkling eyes*);

• шакли, ҳажми (*almond-eyed, beady-eyed, big-eyed; large eyes, little eyes, narrow eyes, oblong eyes*);

• тузилиши (*heavy-lidded, hollow, hooded, sunken, protuberant*), жойлашуви (*close-set, wide-apart, wide-set, deep/deep-set*).

Қолган ҳолларда ушбу аъзо бажарадиган вазифа - кўришга эътибор қилинади: *hawk-eyed; keen eyes, near-sighted eyes, weak eyes*.

Бундан ташқари кўз маълум касб эгаларининг узоқ муддат натижасида чиникқан, тажрибали кўзини ҳам англатиши мумкин. Масалан: “*Sergeant Major Breckenridge walked down the double line of Marines, and his long practiced eyes didn't miss a thing*” [13]; “*To Arthur's eyes he suddenly looked very alien*” [9].

Зийрак, ҳаракатчан кўзлар ҳам киши диққатини ўзига тортади:

• *dilate, fly open, grow wide, open, round, widen* (*Her eyes dilated with horror at what she had done. Her eyes flew open in surprise. His eyes rounded in mock amazement*);

• *dart, flick, flicker, flit, glance, go, leap, move, run, shift* (*His eyes darted from face to face*);

• *roll, swivel* (*She tried the door, her eyes rolling in panic*); *dance* (*Her eyes danced with amusement*);

• *roam, rove* (*He let his eyes roam round the scene.*);

• *drift, slide, slip, stray, wander* (*His eyes drifted over to Helen's chair*). [3: 285 -286].

Ушбу бирикмалар метафорик, яъни кўчма маънода қўлланилган феълларни ўз ичига олган. Ҳамиша ўйнаб турадиган, лекин ўзи қидираётган нарсага тушиши билан ундан кўз узмайдиган ҳолат англашилаёпти. (*to fall on sb/sth, to settle on sb/sth, to fasten on sb/sth, to fix on sb/sth, to focus on sb/sth*).

Бундай ҳолларда кўз кўриш органи сифатидагина эмас, балки инсонга ташки оламни тўлақонли тарзда билиб олиши, туйишида ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажараяпти.

Кўзнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

• инсоннинг жисмоний ҳолатини ифодалайди - *blear-eyed, boss-eyed, cross-eyed, tired eyes, tear-reddened eyes, watery eyes*;

• кишининг эмоционал ҳолати ва у бошдан кечираётган ҳис-ҳаяжонни ифодалайди - *cold-eyed, evil-eyed, fire-eyed; expressive eyes, fierce eyes, frightened eyes, happy eyes, hopeful eyes, laughing eyes, loving eyes*;

• инсон характери ни белгиловчи маркер сифатида юзага чиқади - *cunning eyes, curious eyes, honest eyes, greedy eyes, kind eyes, sly eyes*;

• инсон ақлий қобилиятини кўрсатувчи индикатор вазифасини ҳам бажаради - *intelligent eyes, keen eyes, sharp eyes, shrewd eyes, mad eyes, stupid eyes*;

• эстетик нуқтаи назардан кишини баҳолаб бериш хусусиятига ҳам эга - *beautiful eyes, fine eyes, unattractive eyes*;

• инсонга маънавий ва жисмоний зарар етказиш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин - *to give sb the evil eye* (кўзланибди, кўз тегинти каби);

• бошқа кишига овозсиз, кўз ишораси орқали яширинча маълумот етказиб бериш воситаси сифатида ҳам қўлланилади: “*A hand-lettered sign hung from a piece of*



*frayed string around his neck <...> telling anyone with his eyes to read it that he was homeless and tired* [10]; *“Gary appraised Richard with frank eyes”* [N]; *“Love you, he said with his lips <...>. Her eyes answered”* [8];

• ўз фикрини яшириш воситаси сифатида қўлланиши мумкин: *“His blue eyes glinted with something completely unidentifiable”* [9]; *“What’s behind those eyes? Jack wondered again”* [8].

“Eyes” семасига эга бўлган лексемалар *to mirror sth, to reflect sth* каби феъллар билан қўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб “кўз – ташқи оламни кўрсатадиган дераза (тиркиш)”, “кўз – ойна” каби метафорик моделлар ҳосил қилади. М.: *His eyes reflected his anguish*. Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: *The eyes are the window of the soul; A friend’s eye is a good mirror*.

*The eye is the pearl of the face* – (Кўз инсон юзининг гавҳаридир) мақолида эса “кўз – гавҳар” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “eyes-” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажараяпти.

Кўзнинг икки хил (дуалистик) характери киши диққатини ўзига тортади. Инсон юзининг зарур компоненти сифатида уларда “предметлик” ва “муқим (ўзгармас)лик” хусусияти намоён бўлса, белги (кўрсаткич) сифатида “ўзгарувчанлик” ва “ифодалилик” хусусиятлари намоён бўлади [2: 309].

Кўзнинг бир ҳолатига қараб туриб инсон табиатини тушуниб олиш мумкин, иккинчи бир ҳолатига қараб унинг ҳиссиётларини ва умумий психик ҳолатини тушуниш мумкин.

Инсон кўзи у бошидан кечираётган илиқлик, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик, бахт, саодат, умид, ишонч, безовталиқ, қўрқув, хафалиқ, маъюслиқ, қизиқувчанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб ҳиссиёт ва туйғу элементларини

ифодалаши мумкин. М.: *“Only one man stood and watched the sky, stood with terrible sadness in his eyes”* [9]; *“Ford rounded on Arthur with angry flash in his eyes”* (Ibid.); *“Hagrid looked at Harry with warmth and respect blazing in his eyes”* [11]; *“The Queen’s eyes flared with amusement”* [8].

“Кўз – сизим (идиш)” метафорик модели инсон тасаввурини чуқурлик ва кенглик ўлчамларига эга бўлган макон (объект) сифатида юзага чиқаради. Шу боис бу модель инглиз тилида ‘in’ предлоги билан қўлланади. М.: *“There were tears in his eyes as he spoke. The sun was in my eyes and I couldn’t see the road”* [6: 285 - 286].

Бундан ташқари инглиз тилида “кўз – ёруғлик манбаи” метафорик модели ҳам кенг қўлланилади. Ёруғлик инсоннинг ижобий ҳисларини ифодаласа, қоронғилиқ ёвузлик сингари салбий туйғуларни ифодалайди. ‘Eye’ лексемаси *be alight with sth, blaze, flare, flash, gleam, glint, glisten, glitter, glow, light up, shine, smoulder, spark, sparkle, twinkle* каби феъллар билан бирикканда бахт, мамнуният, муҳаббат туйғуларини ифодалайди. М.: *“She laughed, her eyes alight with excitement. His eyes blazed with menace”* [6: 285 - 286]; *“His blue eyes were light, bright, and sparkling behind half-moon spectacles”*; *“An old man was standing before him, his wide, pale eyes shining like moons through the gloom of the shop”* [11].

‘To darken’ феъли билан бирикканда эса мусибат, хафалиқ каби салбий туйғулар акс этади. М.: *“Tears welled up in Renata when she saw her friend’s deep anguish and the profound sorrow darkening her soft gray-blue eyes”* [11].

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “кўз – инсон (одам)” типигади метонимик моделлар ҳам қўлланилади. М.: *“A hundred eyes turned, then, and stared at him: a hundred eyes, unblinking and unfriendly”* [10].

Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, кўз инсон танасидаги фақат



кўриш органигина эмас, балки, у ўз ранги, товланиши, шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг жисмоний ҳолати ва ҳис-

туйғуларини ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири сифатида лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. славянской культуры, 2001. 864 с.
3. Oxford Collocations Dictionary for Students of English. Oxford: Oxford Univ. Press, 2003. XIII.897 p.
4. The Concise Oxford English Dictionary. Tenth Edition, revised. Oxford Univ. Press, 2002. XX. 1708 p.
5. The American Heritage Dictionary of the English Language [Electronic resource]. Boston: Houghton Mifflin, 2000. Fourth Ed. Режим доступа: <http://bartleby.com/61/>.
6. The New Webster's Encyclopedic Dictionary of the English Language. Gramercy Books. N.Y., 1997. 1008 p.
7. Bradford BT. The Women in His Life | BT. Bradford. N.Y.: BallantineBooks, 1991. 498 p.
8. Clancy T. Patriot Games. 1987 [Electronic resource] | T. Clancy. Режим доступа: [http://arte-fact.lib.ru/library/books/clancy/Patriot\\_Games.zip](http://arte-fact.lib.ru/library/books/clancy/Patriot_Games.zip).
9. Adams D. The Hitch Hikers's Guide to the Galaxy. 1979 [Electronic resource] | D. Adams. Режим доступа : [http://artefact.lib.ru/library/books/adams/The\\_hitch\\_hikers\\_guide\\_to\\_the\\_galaxy.zip](http://artefact.lib.ru/library/books/adams/The_hitch_hikers_guide_to_the_galaxy.zip).
10. Gaiman N. Neverwhere, 1996 [Electronic resource] | N. Gaiman. Режим доступа: <http://ange-la.grahor.com/lavka/text/gaiman/never.zip>.
11. Rowling J. K. Harry Potter and the Sorcerer's Stone. 2001 [Electronic resource] | J. Rowling. Режим доступа: [http://artefact.lib.ru/library/books/rowling/1\\_Harry\\_Potter\\_and\\_the\\_Sorcerers\\_Stone.rar](http://artefact.lib.ru/library/books/rowling/1_Harry_Potter_and_the_Sorcerers_Stone.rar).

**Шокиров Ш. Семантические особенности слов английского языка с семой "eye-глаз".** Статья посвящена исследованию характерных особенностей лексем "eye-кўз" в английском языке, их роль при передаче информации, а также их стилистические особенности.

**Shokirov Sh. Semantic peculiarities of English words with "eye" component.** The article studies the peculiarities of the lexeme 'eyes' in English, their role in the speech act as well as its stylistic features.